

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДА ЯНГИ ЯСАЛМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Дадажонов О.,
ЎзДЖТУ

Шеърят осмонида ўзининг ёрқин лирик асарлари билан чакнаган М.Юсуф халқимизнинг сеvimли шоирларидандир. Шоир асарларининг сеvimлилиги шундаки, унда халқ руҳияти, қувончи ва дарди куйланади. Унинг шеърлари халқона оҳангда битилганлиги билан бошқа шоирлар ижодидан ажралиб туради.

М.Юсуф шеърятини ўқир эканмиз, у қўллаган иборалар, мақоллар, тасвирий ифодалар, кўчма маъноли сўзлар, содда ва кўшма сўзларни учратамиз. Айниқса, шоир ижодида учраган янги ясалма сўзлар диққатни жалб қилади. М.Юсуф шеърятини лингвопоэтикаси Д.Шадиева томонидан махсус ўрганилган. (1, 25) Бу мақолада биз ҳам ўз фикрларимизни билдирмоқчимиз. Адабиётларда ясалма сўзлар аффиксация усули ва композиция усулида ясалади 2 гуруҳга ажратилган. (2, 209) Биз ҳам М.Юсуф ижодида учраган янги ясалмаларни шу асосда 2 гуруҳга бўлиб ўргандик.

1. Аффиксация усулида ҳосил бўлган янги ясалмалар: а) шахс оти ясовчи кўшимчалар: **-каш** (тожикча кашидан –“тортмоқ” феълидан). Шахснинг яшаш асоси ифодаланган нарса билан шуғулланишини, иш-ҳаракатни шу орқали бажаришини англатадиган от ясайди: аравакаш, чизмакаш, меҳнаткаш, жанжалкаш. –**каш** кўшимчаси кўпинча –**чи** шахс оти кўшимчасига синоним бўлиб келади. Масалан, сураткаш-суратчи, чизмакаш-чизмачи. М.Юсуф “Жийда тагида” номли шеърда –каш кўшимчасини таҳорат сўзига кўшиш орқали янги сўз ҳосил қилган. Бунда шахс оти эмас, балки сифат ясалганини кўраемиз. **Таҳораткаш** чол, // Уйга қайтди лол Дилда санчиқлар // Жийда тагида.

б) –**фуруш** (тожикча фуруҳтан - “сотмоқ” феълидан). Бу аффиксоид яшаш асосида ифодаланган нарсани сотиш билан шуғулланувчи шахс оти ясайди: мевафуруш, дўппифуруш, носфуруш. Шоир ижодида бу аффиксоид орқали янги ясалма сўзлар ҳосил бўлган.

Баҳор сўраб келса жамолингизни,
Шудринг йўқлаб райхон шоҳида сизни,
Бир ўй қийнамасин гоҳида сизни

Наврўзфурушлар?

(“Сумалак“)

“*Айт*” номли шеърида –*чи* шахс оти ясовчи кўшимча ўрнига –*фуруш* кўшимчасини кўшиш орқали янги сўз ясалган.

Очил гулим, айт ўзимга дардингни,

Гулфурушлар қайдан билсин қадрингни.

Ёмғирман деб юзинг силаб, баргингни

Тўкиб кетган дўлмасму у алдаган?...

в) –**вачча** (тожикча бача - “*ёш бола*” сўзидан). Ясаш асоси англлатган шахсларга қариндошлик муносабатида бўлганлик маъносидаги от ясайди: холавачча, аммавачча, тоғавачча. Жониворларга нисбатан унинг боласи маъносида ишлатилади. М.Юсуф –**вачча** кўшимчасини шоир сўзига кўшиб, янги сўз ҳосил қилган ва салбий маънода қўллаган.

Дўстларим – такаббур **шоирваччалар**,

Ўзларин севишар ёридан кўпроқ. (“*Мактуб*”)

г) –**истон** Халқ (миллат) номини билдирувчи ёки бошқа бирор сўзга кўшилиб, шу халқ яшайдиган мамлакат ёки ясовчи асос англлатган нарса кўп бўлган жой маъносидаги от ясайди: Ўзбекистон, Гулистон. М.Юсуф бу кўшимчани куёш, чаман сўзига кўшиб янги сўз ясайди.

Қабул айла қуллуғим, // Қадим **Қуёшистоним**.

Ўзбекман, ўзбеклигим // Менинг олий унвоним. (“*Қуёшистоним*”)

Дунёлари ичра бир дунё, // Ўхшаши йўқ **чаманистоним**.

(“*Чаманистон*”)

2.Композиция усули билан янги сўз ясаш.

1.Икки отдан иборат бўлган қўшма сўзлар:

а) асли қаратувчилик муносабатида бўлган икки отнинг кўшилиб кетишидан ҳосил бўлган: Ҳиндиқуш, кийикнигоҳ, сиртлонпанжа, шертирноқ, қайинбарг, жамбилбарг, йўлбарсюрак, соқчибоши. М.Юсуф “Бола” номли шеърида кичкина кучук боласининг панжаларини сиртлонникига, тирноқларини шерникига ўхшатган ва янги ясалмалар ҳосил қилган.

Кўзи мунчоқ эди кучукваччамнинг,

Ўзи эди **сиртлонпанжа**...

Жуда чайир эди // Жуда шўх эди

Суярдим ўзим ҳам **шертирноғимни**.

Куйидаги шеърий парчада кийикнигоҳ сўзини қўллаган.

Ўтиб туринг кўчамдан гоҳ-гоҳ,

Кўнгил яйрар кўрганим сари.

Эй гулбадан, эй кийикнигоҳ,

Ўзбекойим набиралари.

(“Оқ рўмол қизлар”)

б) асли сифатловчилик муносабатида бўлган икки отнинг кўшилиб кетишидан ҳосил бўлади: боғчахотин, боғчахола, сувсумбул, толкўча, темирдил, темироёқ, кийиксўқмоқ, ойқабок, булбулзабон, жайронкўз, қандкасал, момақаймоқ, кулкўрпа, толбешиқ, толпопук, қадоккўл, кўкламойим, ойбалдоқ, розидил. М.Юсуф тошбағир, шафқатсиз одамларни темирдил деб атаган ва янги ясалма ҳосил қилган.

Асли темир биз эмас, // На пўлат,

На мис эмас, // **Темирдил** одамлардан

Даҳшат қандай вабо бор? (“Темирлар нидоси”)

Забон сўзи форсча сўз бўлиб тил деган маънони билдиради. (3, 121) Шоир булбулзабон, яъни булбулнинг тили деб янги ясалмани қўллаган. Маълумки, булбулнинг сайраши, нолиши жуда ҳам ёқимли бўлиб, кишига хуш ёқади. Қуйидаги шеърда М.Юсуф Бобур, Чўлпон каби шоирларни булбулзабонларинг деб атади.

Булбулзабонларинг // Хазон ёпдим,

Дунё уларнинг ҳеч // Тенгин топдим

Муҳаммад Юсуфинг // Шоир бўпдим?

Нега йиғламайсан, // Аҳли Андижон? (“Андижон”)

2.Сифат ва отдан иборат кўшма сўзлар: ёлғизбош, ёлғизкўл, ёлғизоёқ, тиллобармоқ, Бураматол, Улуғтоғ, нозикфаҳм, октўш. Шоир “Қуёшистоним” шеърда ватанни кўтаринки руҳда мадҳ этади. Уни улуғлигини мақтаб, “Улуғтоғ” деб атади, натижада янги сўз ясайди.

Улуғтоғдай улуғим // Қалъам-Ўзбекистоним.

Ўзбекман, ўзбеклигим // Менинг олий унвоним. (“Қуёшистоним”)

Бармоқларига тилла узук таққан қизларни тиллобармоқ деб янги кўшма сўзни ҳосил қилган.

Яшириб не қилдим сизлардан,

Лола ёноқ, ҳилол юзлардан,

Тўйдим **тиллобармоқ** қизлардан,

Қўли қадокларни соғиндим. (“Соғиндим”)

3.От ҳамда феълдан таркиб топган кўшма сўзлар: тожталаб, тахтталаб, эрмакталаб, тошўтмас, кўшиққирқар. М.Юсуф тож талашиб, тахт талашиб каби сўз бирикмаларни ўзгартириб, янги кўшма сўзларни ҳосил қилган.

Тожталабдур, тахтталаб, // Чопди падаркуш отасин.

Кўкка сачраб қони, чакнаб // Қолди Улуғбек шодаси. (*“Афросиёб”*)

Хулоса қилиб айтганда, М.Юсуф шеърларидаги янги сўзлар икки йўл билан, яъни ясовчи кўшимчалар ёрдамида ҳамда сўзларни кўшиш ёрдамида ҳосил қилинган бўлиб, уларда тилимизнинг ички имкониятлари кенглиги акс этган. М.Юсуф янги сўзлар яратиш орқали шеърларининг таъсирчан чиқишига эришган. Шу билан бирга, шоир ички ҳиссиётларини янгича талқин қилганини, янги маъно акс эттирганини кўрамыз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърляти лингвопоэтикаси. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент: 2007 – 25 б.
2. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” – Т: Ўзбекистон. 1992. Б.209.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. / Бегматов Э., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Мирзаев Т., ва бошқалар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 2-жилд / Е.-М. Б.121.